



ҚАҲРАМОН ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА ХОТИРАСИГА ЮКСАК ҲУРМАТ-ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ғалаба боғига ташриф буюрди.



Ҳарбий оркестр ижросида “Хотирлаш куйи” янгради. Давлатимиз раҳбари “Матонат мадҳияси” ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди.

Бу мажмуа Иккинчи жаҳон урушида беш ўғлидан айрилган Зулфия ая Зокирова, унинг садоқатли келинлари ва етим қолган набиралари хотирасига бағишлаб барпо этилган. У халқимизнинг урушдаги йўқотишлари, тинчлик учун кураши тимсоли сифатида боғ марказидан ўрин олган. Шу маънода “Матонат мадҳияси” урушда ўз боласидан, ўз ёридан жудо бўлган барча оналар, барча аёллар шарафига ўрнатилган муаззам обидадир.

Богда Қуролли Кучлар тизимига кирувчи вазирилик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам жам бўлди.

Президентимиз улар билан суҳбатда халқимизга табрикларини йўллади.

— Бугун ушбу Ғалаба боғига туриб, муҳтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни кутлуг айём билан чин қалбимдан табриклайман. Бундай дамларда қаҳрамон ота-боболаримиз хотирасини ёдга олиб, уларнинг жасорати олдида таъзим қиламиз. Уларнинг тинчлик ва озодликка бағишлаган серқирра ҳаёт йўли келгуси авлодлар учун ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган буюк меросдир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари бу маскан уруш оқибатларини, тинчлик қадрини ёдга солишини таъкидлади.

— Бугун дунё таҳликали бўлиб бораёпти. Ҳар дақиқа синовли бўлаяпти. Бу бизга ҳам

таъсир қилади? Албатта таъсир қилади. Лекин халқимиз ҳаётига шу таъсирни камай-тириш бўйича чоралар кўрямиз. Меҳнатимиз билан, бирдамлигимиз билан, Худо хоҳласа, бу синовлардан ҳам ўтамиз, — деди Президент.

Вазирлик ва идоралар, жамоатчилик вакиллари ҳам мажмуа пойига гуллар қўйди. Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳолидан хабар олди.

Аввал Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида истиқомат қилаётган Аббос ота Аппанов хонадонига борилди.

Аббос ота 1924 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1942 йил февралда Смоленск шаҳрига урушга бориб, кейинчалик Беларусь, Польша,

Германияда бўлган шиддатли жангларда иштирок этган. 1946 йилда юртимизга қайтган Аббос ота узоқ йиллар Ачаобод маҳалласидаги умумтаълим мактабидан немис ва инглиз тили фанидан сабоқ берган, бошланғич синфлар учун “Немис тили” дарслигини ҳам ёзган.

Бу инсоннинг тинчлик йўлидаги хизматлари муносиб баҳолалиб, кўплаб давлат мукофотлари билан тақдирланган.

— Сизларни кўриб, яқиндан гаплашай, ҳолаҳвал сўраб, сихат-саломатлик тилай деб ўзим келдим. Аввало, сизни, сиз орқали барча уруш қатнашчиларини, халқимизни байрам билан табриклайман. Ҳамisha соғ-саломат бўлиб, дуоғўйимиз бўлиб, ёшларимизга намуна бўлиб юришларингизни тилайман, — деди Шавкат Мирзиёев.

— Аллоҳнинг инояти, давлатимизнинг ғамхўрлиги ва меҳрибончилигидан мана шундай ёшларга етиб юрибмиз. Сизга ҳам Аллоҳдан мадад, халқимиз манфаати йўлидаги ишларингизга барака тилайман. Ҳурмат учун раҳмат, — дея миннатдорлик билдирди Аббос ота.

— Сизлар бу ҳурматга сазоворсизлар, — деди Президент. — Кексаларни эъзозлаш улуг қадриятимиз. Биз буни давом эттираялмиш. Ёшларимиз ҳам билсин, бундан ўрнат олсин.

Пиру бадавлат бонининг фарзандлари ҳам нафақада. Бугун 21 нафар набира, 55 нафар эвара ва 7 нафар чевара билан умргузаронлик қилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 9 май куни Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари бир-бирини, мамлакатларимизнинг биродар халқлари ва фахрийларини Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалаба куни билан самимий муборакбод этиб, сихат-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик, тинчлик ва равақ тиладилар.

Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Ўзаро савдо ва инвестициялар кўрсаткичлари изчил ошиб бораётгани, пар-

ламентлар, ҳукуматлар ва ҳудудлар ўртасидаги алоқалар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Савдо, саноат кооперацияси, транспорт ва логистика, энергетика, инфратузилма ва бошқа устувор йўналишлардаги кўшма лойиҳа ва дастурларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Президентлар минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашиб, бўлажак олий даражадаги икки ва кўп томонлама тадбирлар режасини кўриб чиқдилар.

ЎЗА

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИДА ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛАРДАН ҚУТЛОВЛАР КЕЛМОҚДА

Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 77 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий давлатлар раҳбарлари ва таниқли сиёсий арбобларидан, халқаро ташкилотлар раҳбарларидан қутловлар келмоқда.

Хорижий ҳамкорлар ўз қутловларида кўп миллатли Ўзбекистон халқининг Буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссасини алоҳида қайд этганлар. Табрикномаларда бугунги эркин ва тинч ҳаётимиз йўлида жанг майдонидан чинакам ҳақоратчилик, мислсиз жасорат ва матонат кўрсатган, фронт ортида фидоко-

ронга меҳнат қилган фахрийларимизга чукўр ҳурмат-эҳтиром ва миннатдорлик билдирилган. Ўзбекистон Президенти ва халқига мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, фаровонлик, мамлакатимизга барқарор тараққиёт ва раванқ тилаклари изҳор этилган.

Куйидагилар ўз табрикларини йўллаган:
Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**
Қозоғистон Республикаси Президенти **Қосим-Жомарт Тоқаев**
Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**
Тожикистон Республикаси Президенти **Эмомали Раҳмон**
Туркменистон Президенти **Сердар Бердимухамедов**
Озарбайжон Республикаси Президенти **Илҳом Алиев**
Беларусь Республикаси Президенти **Александр Лукашенко**
Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси **Гурбангули Бердимухамедов**
Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти **Нурсултон Назарбаев**
Россия Федерацияси Хавфсизлик Кенгаши Раисининг ўринбосари **Дмитрий Медведев**
МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби **Сергей Лебедев**.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОИ

ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси ижросидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими доирасида аграр соҳа учун халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш, бу борада етакчи хорижий университетлар билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш мақсадида:

1. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Буюк Британия Қироллик қишлоқ хўжалиги университети (Royal Agriculture University, кейинги ўринларда — ҳамкор университет) билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида **Халқаро қишлоқ хўжалиги университети** (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватлансин.

2. Куйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

а) Университет фаолиятининг асосий йўналишлари этиб куйидагилар белгиланганлиги:

аграр соҳани ривожлантириш, жаҳон тенденцияларини ва тажрибасини ақс эттиришга мослашган **“Илмга асосланган, амалиётга йўналтирилган” (science-based, practice-oriented) таълим** таъминоти асосида ва миллий анъаналар уйғунлигида юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар, профессионал кадрларни тайёрлаш;

илм-фан ютуқлари ва инновацияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, **агротехнология ва экологик барқарорлик амалиётларини ривожлантириш**, қишлоқ хўжалигида бизнес ва оператив самарадорлиқни ишлаб чиқишни қамраб оладиган илмий тадқиқотлар олиб бориш; қишлоқ хўжалиги ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳамда ўқув тизимини модернизация қилишга қаратилган **янги таълим дастурларини** ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

хорижий олий таълим муассасалари ва ташкилотлар билан **ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш, қўшма таълим дастурлари ва лойиҳаларни амалга ошириш**;

б) Университет битирувчиларига **ҳамкор университетнинг дипломи** бериллади.

3. Белгилаб қўйилсинки: Университет Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Буюк Британия Қироллик қишлоқ хўжалиги университети томонидан таъсис этиладиган тўлиқ академик ва молиявий мустақил бўлган давлат иштирокидаги олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Университет Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири ва давлат тилида номи туширилган муҳр, банк ҳисобварақлари, штамп ва бошқа реқвизитларга эга бўлади;

▶ Давоми 2-бетда

ДИЛ ИЗҲОРИ

УРУШДАН ҚАЙТГАНИМИЗГА 77 ЙИЛ БЎЛДИ...

Илк бор давлат раҳбари уйимизга келиб, бизга миннатдор авлодлар раҳматини етказди

Ўша уруш йилларининг машғум хотиралари ҳали-ҳамон бизни тарқ этмаган. Жангдошларда қон кечиби, қанчадан-қанча дўстларимиздан айрилдик. Уларнинг бари айни кучга тўлган алп йигитлар эди. Урушдан кейинги йиллар ҳам осон кечмади. Қийинчиликлар кўп эди. Лекин бизга таскин бергани, тинч-омон кунлар нафаси бўлди. Оғир кунларда бардош билан Ватан учун, халқимиз учун меҳнат қилдик.

Бугун шундай дорилмомон, тўкин-сочин, файзли кунларга етиб келдик. Бунинг учун Аллоҳга шуқрона келтиришдан чарчамаймиш.

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев даврида ҳаётимиз жуда ўзгариб кетди. Ҳар бир кунимиз янгилик билан бошланади, одамлар учун

шароит яратишга катта эътибор қаратилаяпти. Тошкентнинг ўзидаги ўзгаришларни эшитиб, кўриб хайратга тушамиз. Ҳаётнинг бунчалик тез яхшиланаётгани ҳам Аллоҳнинг бир инъомидир. Бунинг қадрига етишимиз керак.

▶ Давоми 2-бетда

ҚАҲРАМОН ОТА-БОБОЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА ХОТИРАСИГА ЮКСАК ЎҚУРМАТ-ЭҲТИРОМ

Бошланғич 1-бетда

Давлатимиз раҳбари Яшнобод туманида яшаётган Федор Федина хонадонидан ҳам бўлди.

Федор Семёнович 1927 йилда Россиянинг Мордовия ўлкасида туғилган. 1944 йилда армияга чақирилиб, урушда алоқачи ва инструктор вазифасини бажарган. Минск шаҳри яқинидаги жангларда иштирок этган. Уруш туганидан сўнг бир неча йил Хитойда хизмат қилган. 1949 йилда Тошкент шаҳрига келиб, авиация заводида ишлаган. Кўплаб меҳнат мукофотларини қўлга киритган. Турмуш ўртоғи билан бирга икки қизни тарбиялаб, вояга етказган.

Президентимиз ушбу фахрийларнинг саломатлиги, яшаш шароитларини сўради. Бугунги тинчликка қўшган ҳиссаси, кўп йиллик самарали фаолияти учун уларга миннатдорлик билдирди.

Давлатимиз раҳбари Мирзо Улугбек туманида яшовчи Акмал ота Ақромовни ҳам зиёрат қилди.

Акмал ота 1924 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1941 йилда мактабни ташлаб, машинасозлик заводида ишлаган. 1942 йилдан урушда қатнашиб, қаттиқ ярадор бўлган.

Юртимизга қайтган, савдо, озиқ-овқат саноати соҳаларида меҳнат қилган. Нафақа ёшида Тошкент шаҳри Уруш ва меҳнат фахрийлари жамияти раиси, "Нуроний" жамғармасининг шаҳар бўлими раҳбари лавозимларида фаолият юритган.

— Урушда қатнашиб, қахрамонлик кўрсатиб, урушдан кейин давлатимизга жуда кўп хизмат қилиб, фарзандлари, невараларни тарбиялаб, мана шундай

мўтабар ёшаётганини жуда катта бахт-камол. Сизларнинг ҳаётингиз, ҳар бир гапингиз бизга мактаб. Илоҳим, соғлигингиз мустаҳкам, умрингиз янада узок бўлсин. Ёшларимизга сизларнинг йўлингизни, умрингизни берсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Акмал ота ҳам барча уруш фахрийлари номидан давлатимиз раҳбарини табриқлади.

Маҳаллалардаги маънавий муҳитни яхшилаш, ёшларни эзгу ишларга ундаша нуронийларнинг катта ҳаёт таърибаси муҳим. Шу мақсадда маҳаллаларда, таълим муассасаларида кекса ва ўрта авлод вакиллари ҳамда ёшлар иштирокида "Уч авлод учрашувлари" ўтказилмоқда.

Ушбу янги боғ ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Илгари бу жой қаровсиз, йўллари нотекис эди. Энди Алимкент кўчаси таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди. Дарахт ва гуллар экилди, иссиқхона ва ишқомлар барпо этилди. Уриндиқлар, пиеда ва велосипед йўллари аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун қулай шароит яратди.

Шу ерда нуронийлар, маҳалла фаоллари билан мулоқот бўлди. Улар эл-юрт фидойиларининг хотираси улуғлиги, кексаларга алоҳида ҳурмат кўрсатилаётганини таъкидлашди.

Бугунги кунда юртимизда 3 миллиондан ортиқ нуронийлар бор. Улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, соғлиғига эътибор қаратилмоқда. 28 мингга яқин нуронийлар санаторийларда соғломлаштирилди, 450 минг нафари

чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди.

Барча ҳудудларда Нуронийлар кенгаши ва маҳаллаларда кексалар ишлари бўйича маслаҳатчи лавозимлари ташкил қилинди. "Фахрий мураббий" ордени таъсис этилди. 3 минг 500 нафардан зиёд юрдошларимиз "Меҳнат фахрийси" кўрак нишони билан тақдирланди.

— Шундай замон келаяптики, маҳалла ҳақиқий куч бўлаяпти. Масала ҳал бўлаётганини ҳалқимиз сезаяпти. Ҳама жойга нуронийлар, хотин-қизлар ва ёшлар бўйича вакил кўйдик. Энди маҳалла раисининг "учта устуни" бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз фармонида мувофиқ байрам арафасида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ноғиронларининг ҳар бирига 15 миллион сўмдан бир марталик пул мукофоти ва соғвалар топирилди. Туман ва шаҳар ҳокимлари фронт ортида меҳнат қилган 10 минг нафар фахрийлар билан шахсан учрашиб, ҳолидан хабар олди.

Юртимиздаги бундай аҳиллик ва тинчликка шукр қилиб, уни авайлаш, нуронийлар ўз намунаси ва сўзи билан бунга ҳисса қўшиши кераклиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари шу ердаги "Юксалиш" бошқарув сервис компанияси фаолияти билан ҳам танишди. У етти та маҳалладаги 106 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Ҳисоб-китобларда биллинг тизими йўлга қўйилган. Компания биносидан ва кўп қаватли уйларнинг ертўласида ماشини хизматлар ташкил этилган.

Шу ерда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбат бўлиб ўтди.

ЎЗА

ДИЛ ИЗҲОРИ

УРУШДАН ҚАЙТГАНМИЗГА 77 ЙИЛ БЎЛДИ...

Млк бор давлат раҳбари уйимизга келиб, бизга миннатдор авлодлар раҳматини етказди

Бошланғич 1-бетда

9 май куни Президентимизнинг уйимизга келиб, биз каби кексалардан хабар олгани, ёшларнинг уйиб суҳбатлашгани, ҳол-аҳвол сўраб, эл-юрт олдидаги хизматларини учун алоҳида миннатдорлик билдиргани энг унутилмас кунлардан бири бўлиб қолди. Шу куни ҳаётимдан тўқис рози бўлдим. Ахир урушдан қайтганимиздан буён 77 йил ўтибди-ки, биринчи марта давлат раҳбари уйимизга келиб, бизга миннатдор авлодлар раҳматини етказди.

Қолаверса, бизнинг моддий таъминотимизни ўйлаб, 15 миллион сўм пул мукофоти топирилди. Кекса авлод ва-

киллари қачон бундай эътибор қаратилган, мен эслолмаيمан.

Бугун бизнинг қўлимиздан келадигани — дуо. Худо хоҳласа, юртимизда бошланган катта ишларнинг ҳаммаси ўйланганимиздек бўлади. Чунки ҳалқимизнинг ишончи бор, барча ҳамжихатликда ҳаракат қилаяпти. Бу йўлда Президентимизга куч-ғайрат, мустаҳкам соғлиқ-омонлик тилаб, кўп-кўп дуолар қиламиз.

**Аббос АППАНОВ,
Иккинчи жаҳон уруши
қатнашчиси.**

Тошкент шаҳри Олмасор тумани
Ачаобод маҳалласи



ҚАРИЯЛАРИНИ ҚАДРЛАЁТГАН ЮРТИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН!

— Бу дунёда инсон учун энг катта бойлик — юрт тинчлиги ва тани сихатлик. Аллоҳга минг шукрки, бугун Президентимиз ана шу икки масалага жуда жиддий ва катта эътибор қаратмоқда. Эл-юрт осойишталиги, фаровонлиги учун нимаики зарур бўлса, ҳаммаси бисёр этилапти. Шундай экан, барчамиз бу фароғатли, саодатли, тўқин-сочин кунлар қадрига етишимиз, Ватаннинг ҳар қарич тупроғини муқаддас билишимиз зарур.

Мен Жиззахнинг Зоминида туғилганман. 1943 йил сентябрда туман ҳарбий комиссариати томонидан хизматга чақирилдим. 1943-1945 йилларда Беларусь фронтининг ўқи бошида фашизмга қарши жанг қилдим. 1945 йил апрелда бошим ва қўлимдан оғир яраланиб даволанган, урушга яроқсиз деб топилди ва юртимга қайтарилди. Эҳ-хе, у кунларни эслашнинг ўзи жуда эҳтимол...

Урушдан сўнг Боёвут туманидаги хўжалиқда иш бошладим, давлат арбоби Усмон Юсуповга ҳайдовчилик ҳам қилдим. Йиллар бешафқат, орта қайтмас ва тақорланмас экан. Мана, 97 ёшни ҳам қаршилаб қўйибман. 7 фарзанднинг отаси, 46 неваранинг бобосиман. Минг қатла шукр.

Сўнги йилларда фахрийларга қаратилаётган чуқур эътибордан бошимиз кўкка етляпти. Кексаларга бўлган эъзоз ва ҳурматни сақлаб келаятган ҳалқимиз омон, юртимиз тинч-фаровон бўлаверсин. Айниқса, Президентимизнинг шахсан имзо қўйиб бизга йўллаган табригини ўқиб эшиттиришидан тўқинлиб, кўнглим яшариб кетгандек бўлди. Бизнинг ёшда хотира ҳам панд беради, лекин мактабдаги миннатдорлик руҳи билан битилган гапларни эслаб қолдим.

Президентимиз бизни Хотира ва қадрлаш кўни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанинг 77 йиллиги билан самимий табриқлаб, ўзининг ҳурмат-эҳтироми ва эзгу тилларини билдирибди. Биз кўрсатган қаҳрамонлиқни юксак баҳолабди, улкан ирода ва матонатимиз ёш авлод учун ибрат, ватанпарварлик намунаси эканини айтибди.

Табрик билан бирга Президентимизнинг 15 миллион сўм пул мукофоти ва бошқа соғваларини ҳам олди. Бошимиз осмонга етди. Бу эътироф ва эъзоз дилимга қувонч бағишлаб, урушдан қолган кўнгли яраларимга малҳам, белимга мадор, вужудимга қувват, кўзларимга нур бўлди!



Биздек фахрий нуронийларга бундан юксак яна нима бор. Давлат раҳбарининг ўзи шахсан хат ёзиб табриқласа, соғвалар юборса, уларнинг хонадонига ташриф буюриб, чин дилдан суҳбат курса. Шу кунларни кўрсатганига, етказганига шукр!

Илоҳим, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўқин, фарзандларимиз хамиша соғ-саломат бўлсин. Ўзбекистоннинг тинчлиги, қудратига, ҳалқимиз бирдамлигига, қарияларни қадрлаётган Президентимизга кўз тегмасин!

**Ускан ХОЖИМАНОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.**
Сирдарё вилояти Боёвут тумани

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХАЛҚАРО ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бетда

Университет томонидан берилган диплом Ўзбекистон Республикасида тан олинади;

Университетда таълим грант ва тўлов-контракт асосида амалга оширилади;

Университет жалб этилган хорижий мутахассислар, маҳаллий ходимларнинг иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорини мустақил белгилайди;

Университет ректори Кузатов кенгаши билан келишган ҳолда қишлоқ хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади. Бунда Университет ректори Ўзбекистон Республикаси томонидан кўрсатилади.

4. Университетга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги "Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-60-сон ва "Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-61-сон қарорларида белгиланган академик, молиявий ва ташкилий мустақилликка оид тартиб-таомиллар таъкидланади.

5. Қишлоқ хўжалиги вазири, Олий ва ўрта махсус таълим вазири, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг Университетда давлат муассасаси шаклидаги хўжалик ҳисобидан молиялаштириладиган қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази (Capacity Building Center)ни ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

Кўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: давлат ва хусусий секторда фаолият юритувчи соҳа вакиллари, шунингдек, фермер хўжалиқлари, кластерлар раҳбарлари ва мутахассисларнинг хорижий тажрибалар асосида қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

маҳаллий қишлоқ хўжалигига ихтисослашган олий ва профессионал таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот институтларида илмий салоҳиятни юксалтиришга ҳисса қўшиш, жумладан, тадқиқотчилар учун замонавий тадқиқотлар олиб бориш ва нуфузли журналларда мақолалар чоп этишни қўллаб-қувватловчи ўқув курслари ташкил этиш;

халқаро тенденцияларни ҳисобга олган ҳолда манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларини аниқлаш учун доимий тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб бориш.

6. Қишлоқ хўжалиги вазири 2022 йил якунига қадар Университетда халқаро молия институтларининг маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган талабалар, магистрант ва илмий изланувчилар ҳамда профессор-ўқитувчиларнинг илмий ишланмалари асосида стартап-лойиҳаларни яратиш ва амалиётга таъкид этиш билан шугулланувчи давлат муассасаси шаклидаги "Agro Innovation Incubator" марказини ташкил этсин.

7. Халқаро қишлоқ хўжалиги университетининг Кузатов кенгаши таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда унинг ваколатлари этиб кўйидагилар белгилансин:

Университетга талабаларни қабул қилиш параметрларини, Университетдаги таълим шакли, тури ва тилини белгилаш;

Университетда янги бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини, шунингдек, олий таълимдан кейинги таълим бўйича докторантура ихтисосликларини очиш;

Университет раҳбариятини ва ходимлари ҳамда профессор-ўқитувчиларини ишга қабул қилиш тартибини белгилаш, шунингдек, уларнинг фаолиятига баҳо бериш, улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини (KPI) тасдиқлаш;

хорижий ва маҳаллий етакчи олий таълим муассасалари билан талабаларнинг академик мобиллигини таъминлаш ҳамда қўшма

таълим дастурларини жорий этиш;

Университетни ривожлантиришнинг ўрта ва узок муددатли стратегик режаларини тасдиқлаш;

бакалаврият, магистратура ва докторантурага қабул қилиш шартларини, шунингдек, талабаларни ўқишга қабул қилишда тест синовлари топириладиган фанлар мажмуасини ва ўқиш учун тўлов миқдорини белгилаш;

Университетнинг ўрта мудат учун шакллантириладиган бизнес-режаси ҳамда даромадлар ва харажатлар параметрларини тасдиқлаш, уларнинг ижросини муҳокама қилиш;

Университетнинг ички аудит ва молиявий назорат хизматига молиявий назорат ўтказиш бўйича қўшимча топшириқ бериш ҳамда назорат тадбирларининг натижаси юзасидан ҳисобот олиш;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

8. Университет фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Халқаро қишлоқ хўжалиги университетини фаолиятини йўлга қўйиш бўйича "йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Кўйидагилар Университет фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Европа Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги соҳаси учун бюджет қўмағи дастуридан 6 миллион АҚШ доллари миқдоридagi ва Жаҳон банкининг 11 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағлари;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик, илмий фаолият ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг қўшимчи хайриялари;

халқаро молия ташкилотларининг грантлари ва муассаслар маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

10. 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб Халқаро қишлоқ хўжалиги университетига ташкил этиладиган бакалаврият таълим йўналишлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Қишлоқ хўжалиги вазири (Ж.Ҳоджаев):

а) бир ой мудатда Университет уставининг тасдиқлангани ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин. Бунда:

хорижий олий таълим муассасалари билан тузилган келишувлар асосида ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазири билан бирга 2022/2023 ўқув йили учун қабул жараёнини ташкил этсин;

Университетнинг вақтинчалик биносини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш лойиҳасини ишлаб чиқсин, ўрнатилган тартибда давлат экспертизасидан ўтказсин ҳамда халқаро молия институтларининг грант маблағлари ҳисобидан бинода таъмирлаш-қурилиш ишларини ташкиллаштирсин;

зарур бўлган ўқув, илмий лабораториялар, ўқув адабиётлари рўйхатини шакллантирсин ва харидини ташкил этиш чораларини кўрсин;

Университетни ташкил этиш даврида унинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий, юридик, иқтисодий, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, моддий-техник ва бошқа масалаларни ҳал этишда кўмаклашсин;

б) уч ой мудатда:

Европа Иттифоқининг қишлоқ хўжалиги соҳаси учун бюджет қўмағи дастуридан 300 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағларни жалб этган ҳолда етакчи хорижий олий таълим муассасалари билан Университет профессор-ўқитувчиларини қисқа мудатли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида битимларни имзоласин;

соҳа мутахассисларини, шунингдек, фермер хўжалиқлари, класнтерлар раҳбарлари ва мутахассис-

ларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тартибини тасдиқласин;

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги кадрларни халқаро стандартлар бўйича қисқа мудатли профессионал ўқитиш курслари тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

в) Қишлоқ хўжалиги соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази тўғрисидаги низомни тасдиқласин ва унинг фаолиятини 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб йўлга қўйсин;

г) 2024/2025 ўқув йилига қадар халқаро молия институтларининг грант маблағлари ҳисобидан етакчи лойиҳа ва пудратчи компанияларни жалб этган ҳолда Университет янги ўқув кампуси қурилишини таъминласин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазири, Инновацион ривожланиш вазири ва Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 1 январдан бошлаб Университет илмий салоҳиятини ошириш учун белгиланган тартибда ихтисослашган илмий кенгаш тузиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Бунда ихтисослашган илмий кенгаш аъзоларининг 50 фоизи халқаро ҳамкорлар ва хорижий ватандошлар орасидан танланади.

13. Қишлоқ хўжалиги вазири Университетни Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, Салар шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2-уй манзилига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида жойлаштиради.

Янги бино қурилгунга қадар Университетга Тошкент давлат аграр университетининг спорт мажмуаси, лаборатория турар жойи ҳамда ўқув таълим биносидан вақтинча фойдаланишга рухсат берилсин.

14. Ташқи ишлар вазири Қишлоқ хўжалиги вазирининг виза талабномаларига биноан Университетга тақлиф қилинадиган чет эллик профессор-ўқитувчилар, мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

15. Қишлоқ хўжалиги вазири (Ж.Ҳоджаев) Олий ва ўрта махсус таълим вазири (А.Тошқуллов) билан бирга 2022 йилдан бошлаб Университет фаолияти ва 2022/2023 ўқув йили учун қабулни самарали ташкил этиш мақсадида тарғибот ишларини амалга оширсин.

16. "Эл-юрт умиди" жамғармаси Қишлоқ хўжалиги вазири (Ж.Ҳоджаев) билан бирга 2022 йилдан бошлаб Университетнинг маҳаллий профессор-ўқитувчилари, магистрантлари ва талабаларини "Эл-юрт умиди" жамғармаси ҳисобидан хорижий етакчи олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига малака ошириш, стажировка ва ўқишга юбориш чораларини кўрсин.

17. Ўзбекистон Миллий телекомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини, қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизимини доирасида аграр соҳа учун халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ юқори малака кадрлар тайёрлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

18. Қишлоқ хўжалиги вазири манфаатдор вазири ва идоралар билан бирга 2022 йилдан бошлаб давлат конунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

19. Маскур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ҳоджаев белгилансин.

Маскур қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазири ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 7 май



ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ

Президент Халқ қабулхоналари суд-хуқуқ масалалари бўйича ташкил қилаётган оммавий қабулларнинг навбатдаги манзили Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўлди.



АДОЛАТ ВА ҲАКИҚАТ ҚАРОР ТОПИШИГА ИШОНЧ

Бугун юртдошларимиз ана шу қудратли туйғудан руҳланиб, фаровон ҳаёт сари интилмоқда

Тадбирлар натижаси чакки бўлмади. Хусусан, хўжайилик Азима Одилова 60 ёшида ўз уйига эга бўлди. Шу кунгача ижарама-ижара юрган аёлга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида турар жой ажратилди.



велосипедлар совға қилинди, 6 оила фарзандларига эса сафарбарлик чакруви резервида ҳарбий хизматни ўташи учун тўлов бадаллари, 7 талабанинг контракт пули тўлаб берилди.

Ҳақида Ибрагимовнинг айтишича, унинг турмуш ўртоғи уч йил аввал банкдан 500 миллион сўм кредит олиб, гишт ишлаб чиқариш заводи қурган. Эри вафот этгач, завод мусодара қилиниб, аукцион орқали бозор баҳосидан анча арзонга сотиб юборилган.

Олий суд, Қорақалпоғистон Республикаси ва туман-шаҳарлар судлари масъуллари биргаликда 236 масалани кўриб чиқиб, 86 тасига жойида ечим топди. Жиноят ишлари бўйича Қўнғирот, Хўжайли, Тахиятош, Шуманай, Тўртқўл туманлари ва Нукус шаҳри судлари мурожаатлар асосида ташкил қилган сайёр суд мажлисларида 37 иш кўриб чиқилди.

Хоразмлик Баҳром Рўзметов ўрилик қилгани учун жиноят ишлари бўйича Беруний туман судининг 2017 йил 25 октябрдаги ҳукмига кўра, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган, жазо муддати эса 2017 йил 20 апрелдан ҳисобланган эди.

Суд тўпланган ҳужжатларни ўрганиб, тарафлар фикрини тинглаб, манзил колония бошлиғи тақ-

лар учун эса ўз соҳаси бўйича тизимли муаммоларни аниқлаш имконини берди.

Шовот туманининг Туркистон, Ҳазорасп туманининг Фафур Гулом, Хонқа туманининг Дургадик, Хива шаҳрининг Қиёт маҳалларидаги очик мулоқотларда ҳар бир масала соҳага дахлдор мута-

Хонқалик Машхура Боқиева турмуш ўртоғи вафотидан сўнг фарзандини ёлғиз ўзи уйлантириб, Албатта, рўзгор учун моддий таъминот зарур. Бироқ у туман пенсия жамғармасига боқувчисини йўқотганлик учун нафақа тўловини олишда қаттиқ қийинчиликларга дуч келди.

Мурожаатдан сўнг Хонқа тумани маъмурий суди қарори билан Хонқа туман пенсия жамғармасига М.Боқиевага боқувчисини йўқотганлик нафақасини тайинлаш мажбурияти юклатилди.

Воқеликнинг қисқача тафсилоти шуки, янги-ариклик Анаул Қаримова қабулга келиб, сойқ турмуш ўртоғи 10 ойдан буюн ёлғиз фарзандига алимент тўлашдан бўйин товлаётганидан арз қилди. Шу даъво аризаси асосида жиноят ишлари бўйича Янгиёриқ туман суди бу ишни кўриб чиқди.

Қабулларда бироқ аризада маъмурий судлар ижтимоий ҳимояга муҳтож ва вақтинча ишсиз 3 мурожаатчига қўлланган жарималар миқдорини камайтириш берди. Хивалик Равшанбек Юсупов ҳам ўзи яшаётган уйга эгаллик ҳуқуқи йўқлиғи туфайли жаримага тортилган эди.

Фуқаролик ишлари бўйича судлар 19 мурожаатчининг алимент, 14 шахснинг қарз ундириш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантирди.

Қабулларда келиб тушган 46 мурожаат бўйича аризалар кассация тартибиде кўриб чиқиш учун Олий суднинг тегишли судлов ҳайъатига ўтказилди.

Шовотнинг Қумён маҳалласида яшовчи Гулноза Худойёрова ҳам тадбиркор бўлиш истагиде. Компьютер хизматларини ташкил қилиш учун кредит зарур, бироқ қандаш бўлиб масала битмаётгани.

Бир уйда тўрт оила яшаб келдик. Икки акамнинг икки нафардан ўғли бор, менда икки ўғил, онам — барчамиз бир хонали уйда жуда қўнчалардик. Кутилмаганда бошпанали бўлдим. Қувончим чексиз. Энди бемалол ишлаб, болаларимни боқиша имконим бор, — дейди миннатдорлик билан С.Худойбергенова.

Эркиной Қиличева ҳам турмуш ўртоғи ва тўрт фарзанди билан ижарама-ижара сарсон юрган эди. Камига катта фарзандида болалиқдан ногиронлик бор. "Инсон қадрини" гоёсининг амалий рўёби бу оилага ҳам янги ҳаёт олиб кирди.

Хўжайилик Рита Қалбаева эса қабулга бир неча ойдан буюн тўланмаган алимент пулларини ундириб беришни сўраб келган эди. Маъмурий ижро бюроси ходимлари бу масалани аёл кутмаган даражада ҳал қилиб берди.

Қабулларда Рита каби 11 аёлнинг алимент пули ундириб берилди. Шунингдек, 31 мурожаатчида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиши учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

Иш билан таъминлаш масаласида амалий ёрдам сўраган 6 фуқарога 30 сотих ер майдони ажратилди, 22 мурожаатчи ишга жойлаштирилди. Оғир ижтимоий аҳволдаги 30 хотин-қизга ўзини ўзи банд қилиши учун тикув машинкалари ва пишириқ тайёрлаш печлари, 2 фуқарога томорқа ерини суғуртиши учун насос, 5 мурожаатчига паррандачилик инкубатори олиб берилди.

КУН МАВЗУСИ

Файзулла САЛОҲИДДИНОВ, Жиззах вилояти маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи

Мамлакатимизда миллий қадриятлар маскани бўлган маҳалланинг мавқеи ва нуфузи сўнгги йилларда янада юксалмоқда. Осейишталик, ҳамжихатлик, меҳр-оқибатни кучайтириш, урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал этишда ушбу тузилманинг аҳамияти беқиёс.

Шунинг учун ҳам жорий йилнинг май ойида ўтказилган мамлакатимиздаги навбатдаги сийёс жараён — фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказишга пухта тайёргарлик қўрилмоқда.

ХАЛҚ ИШОНГАН ИНСОН МАҲАЛЛА РАИСИ БЎЛАДИ

Сўнгги йилларда маҳалла институти янада такомиллаштириб бормоқда. Барча маҳаллаларда ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, эндиликда хотин-қизлар ишлари билан шуғулланувчи ходимлар тайинланиши аҳолининг барча муаммоларини, аввало, маҳалла миқёсида ҳал этишда муҳим роль уйнамоқда.

Маҳалла раислари сайлови — мамлакатимиз ижтимоий-сийёсий ҳаётидаги муҳим воқеалиқ саналади. Сайловларда аҳоли ўртасида обрў-эътиборли, ҳаётий тажриба, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, маҳалланинг пасту баландини яхши биладиган, янги-ча фикрлайдиган, аҳоли муаммоларини тегишли идоралар билан биргаликда ҳал қиладиган ташаббускор номзодларнинг танлаши маҳалланинг ривожланишига замин яратади.

Олдинги сайловларда маҳалла раиси фуқаролар томонидан эмас, балки фуқаролар вакилларининг йиғилиши томонидан сайланган. Жорий сайловда фуқароларнинг ўзлари кўпроқ иштирок этишини таъминлаш мақсадида фуқаролар вакилликнинг минимал нормаси белгиланди.

Бунда вакиллар сони сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камида 12 фоизини ташкил этади. Фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) ишчи гуруҳнинг раҳбари раислигида ўтказилади.

Фуқаролар йиғини раисини сайлаш яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Овоз беришда иштирок этган фуқароларнинг яримдан кўпрогининг овозини олган номзод фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига сайланган деб ҳисобланади.

Мавжуд қонуничиликка кўра, фуқаролар сайловини ташкил этиш ва ўтказиш, сайлов ўтказиладиган сана, вақт ва жой, фуқаролар йиғини раисига номзодлар тўғрисидаги ахборот билан аҳолини мунтазам таништириб бориш амалиёти жорий этилди.

Қандаш тарихида ташкилотчилик қобилияти, ҳаётий тажриба ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга кишилар вакил бўлади. Бунда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига кўрсатилган номзодлар ёки уларнинг қариндошлари вакил бўлиши мумкин эмас.

Шу ўринда маҳалла раислари ваколатлари ҳам кенгайтириб бормоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2022 йил 1 мартдаги "Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида"ги фармонида маҳалла раиси маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокимининг ёрдамчиси, маҳалладаги ёшлар етакчиси ва хотин-қизлар фаоли, ички ишлар органлари таянч пункти профилактика инспекторлари фаолиятини рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишга чалинган жазо чораларини қўллаш бўйича мазкур ходимларнинг юқори турувчи ташкилотларига кўриб чиқиши мажбурий бўлган тақдирлар киритиш каби қўшимча ҳуқуқлар юклатилган.

Бу, ўз навбатида, янги сайланадиган маҳалла раисларидан катта масъулият талаб этади.

Айни пайтда Жиззах вилоятидаги 299 та маҳалладаги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқолари) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлар томонидан фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқолари) лавозимига номзодлар Қонунда кўрсатилган тартибда кўриб чиқилиб, рўйхати шакллантирилди.

Янги сайланган маҳалла раислари олдинда вилоятдаги 322 709 оилада яшовчи 1 миллион 400 мингдан ортиқ аҳоли билан ҳамжихатликда яшаш, ишлаш, уларнинг дардини тинглаш, оғирини енгил қилиш, муаммоларга ечим топиш каби муҳим вазифалар турмушда.

Шундай экан, халқ вакиллари фуқаролар йиғини раиси сайловига ҳар томонлама фаол, ислохотчи, ташаббускор ва халқпарвар раисларни сайлашлари керак. Зеро, фақат шундай хислатларга эга раисларгина маҳаллани обод қилиб, халқ ва давлат ишончини оқлайди.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ФАКТОРИНГ

МУҚОБИЛ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТ СИФАТИДА МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГАМИ?

Фарҳод БОБОБЕКОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси таянч докторанти



Ўзбекистонда асосан тижорат банклари томонидан фақат регресс ҳуқуқисиз факторинг амалиёти амалга оширилади, регресс ҳуқуқли факторинг амалиёти энди қўлланилиши бошланди. Реверсив факторинг (тескари факторинг амалиёти) товар ва маҳсулотларни улгуржи шаклда олиб, чакана ҳолда сотадиганлар учун тўловни кечиктириб тўлашга асосланган молиявий хизмат тури ҳисобланади. Гарчи бу хизмат

тури орқали ҳамкорлик қилишни тақлиф қилиши мумкин.

Исплом молияси охириги йилларда нафақат муулмон оламида, балки бутун дунёда интеграциялашув жараёнида молиявий воситақилиш қилиш учун яхши потенциалга эга бўлиб бормоқда. Хусусан, аънавий банклар етарлича хизмат кўрсата олмайдиган ҳолларда исплом молияси ўз хизматларини жадаллик билан тақдим қилиб келяпти. Шариятда бошқа динга мансуб шахслар билан савдо-сотиқ қилиш ман қилинмаганини ҳисобга олсак, ҳозирги замонда кўп давлатлар исплом молиялаштириш тизимидан фойдаланиш мақсадида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини мослаштирмоқда. Лекин айни дамда исплом молиясида баъзи таққилар ҳам мавжуд ("рибо", "ғарар"), яъни ҳар қанақа фойз ҳисобланадиган молиявий хизматлар таққиланади. Бу борада FCI мутахассислари исплом ҳуқуқли факторинг операциялари учун қўшимча норматив ҳужжатларни тайёрлаган. Исплом факторинги умумий Халқаро факторинг қондаларидан қуйидаги жиҳатлари билан фарқ қилади:

— испломда фойз олиш ман қилинган боис, факторинг операцияси билан боғлиқ ҳар қандай дебиторлик қарздорлигидан олинмадиган фойз микдори кечиктирилган (муддати тугаган) тўловлар ичида ётади

Шу ўринда савол туғилади: **XXI асрда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, рақобатбардош маҳсулотлар қўламини кенгайтириш ва экспортга йўналтиришни қандай рағбатлантирса бўлади?** Жавоб: факторинг амалиёти орқали.

Сир эмас, кўпгина хўжалик субъектида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва қўламини кенгайтириш, рақобатбардош маҳсулот билан бошқалардан устун бўлиши учун маблағга эҳтиёж сезилмоқда. Албатта, бунда банк кредитига таянлади. Бироқ банк кредитларига муқобил бўлган бошқа молиявий хизматлар ҳам мавжуд. Улардан бири — факторинг амалиёти.

Факторинг амалиёти етказиб берувчи ва харидор ўртасидаги мавжуд қарздорлик, яъни дебиторлик қарздорлигини учинчи томон — тижорат банки томонидан ҳуқуқ ва мажбуриятини дисконт ставкада сотиб олиши ва харидорни молиялаштириши аниқлаштирилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги даврида замонавий банк хизматлари талаб янада ошмоқда. Шу боис, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси 29-мақсадда факторинг амалиётини ривожлантириш кўзда тутилган.

Хўжалик субъектларини молиялаштиришнинг асосий иккита манбаси бор. **Биринчиси — ички молиялаштириш.** Унга тадбиркорнинг ўз маблағи қиради. Бу асосан молиявий мустақил ва йирик хўжалик субъектларига тегишли. **Иккинчиси — ташқи молиялаштириш манбаси.** Бу манбага яқинда ташқи топган ва молиявий жиҳатдан ўзини тиклашга улгурмаган тадбиркорлик субъектлари мурожаат қиладики, уларда тижорат банкларидан кредит олишда бевосита ва билвосита тўсиқлар бўлади.

Бу тўсиқлар қуйидагилардан иборат: — гаровга қўйиш муаммоси. Шу сабаб тижорат банклари уларга кредит беришни истамайди, чунки янги ташқи топган тадбиркорлик субъекти кредитни ўз вақтида қайтариш учун етарли маблағга эга бўлмағлиги мумкин;

— рақобат бозорига ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида вақт нуктаи назаридан тез фурсатда кредит олиш учун хўжалик субъектида имконият йўқлиги.

Шу каби муаммоларнинг муқобил ечими сифатида дунё таърибидан факторинг амалиёти кенг қўлланиб келинади. Тазкидлаш жоизки, коронавирус пандемияси билан боғлиқ кредит хатарлари, дефолт ва ликвидлик хавфи ўсиши натижасида иқтисодий кўрсаткичлар ўзгаришчанлиги кескин ошмоқда. Бу, айниқса, пандемия шароитида ноликвид активлар кўпайиши билан янада мураккаблашиб, ўз навбатида, дебиторлик қарзлари ошишига олиб келмоқда.

Айни шу ҳолатда хўжалик субъектлари ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотнинг даврий ва узлуқсизлигини таъминлаш учун қўлай шароит бўлиши лозим. Бунинг учун инқироз даврида бир томондан товар ва хомашё узлиши бўлса, иккинчи томондан, ликвидлик қисқариши хўжалик субъектида молиявий муаммоларни келтириб чиқаради. Бошқа томондан эса талаб ва тақлиф номуносиблиги, истеъмолчилар ўз харид имкониятларини чеклашига олиб келади. Сотувчи ва харидор ўртасидаги муносабатлар ҳам ўзгаради.



Яъни сотувчидан харид қилинган маҳсулот учун харидор ўз вақтида ҳисоб-китоб қила олмайди ва улар ўртасида қарздорлик (дебиторлик қарзи) юзага келади.

Ривожланаётган мамлакатларда ана шу муаммоларга ҳаёт талабидан келиб чиқиб ечим топишга алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам шундай.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожлангани сари турли молиявий хизматларга бўлган эҳтиёж ўсиб бормоқда.

Айниқса, тижорат банклари факторинг операциялари орқали хўжалик юритувчи субъектларга уларнинг дебиторлик қарзини камайтириш воситаси сифатида қарши ва ундан кенг қўламада фойдаланиши учун қўлай имкониятлар яратиши лозим. Аммо мамлакатимиз тижорат банклари активлари таркибига назар солсак, унда факторинг амалиёти деярли кўринмайди. Ваҳоланки, хорижий давлатларда ушбу амалиёт тижорат банклари учун даромад келтирадиган асосий молиявий хизматлардан бири бўлиб, унинг кўпгина турлари ривожланган. Айниқса, корхоналар факторингдан дебитор қарздорлигини камайтириб, ўз молиявий ҳолатини барқарорлаштиришда фойдаланади.

Маълумки, ҳозирги пайтда жаҳон молия бозорига хизмат кўрсатиш (факторинг ҳам молиявий хизмат кўрсатишга қиради) жадал ўзгариб бормоқда. Хориж давлатларида факторинг амалиёти аллақачон рақамлашган маҳсулот сифатида тан олинган бўлиб, кўпгина давлатларнинг ЯИМдаги асосий улуш қўрсаткичига айланмоқда. Мисол учун, Хитой ва Буюк Британияда факторинг ЯИМнинг 13-16 фойз улушини, Чехия, Польша, Венгрия, Руминияда эса ўртача 3-4 фойзини ташкил қилади.

Жаҳон таърибидан факторингнинг ЯИМдаги улуши ўртача 1,5-3 фойзга тенг бўлса, ўша давлатда факторинг ривожланиши яхши эканини билдиради. МДХ ҳудудига факторинг Латвия, Эстония, Беларусь, Украина, Қозоғистон ва Россия амалиётида кенг жорий қилинган ва факторингнинг ЯИМдаги улуши ривожланаётган давлатлардан пастроқ бўлса ҳам (0,01-2,5 фойзгача) ўсиш динамикаси яхши.

Факторинг молиявий хизмат шаклида ривожланишида Халқаро факторинг ассоциациясининг (FCI) роли муҳим. Ўзбекистонда ҳозирги вақтда фақат битта тижорат банки бу ассоциацияга аъзо бўлган.

Ассоциацияга аъзо бўлишнинг бир қанча ижобий томонлари мавжуд. **Биринчидан,** агар экспортёрлар ўз маҳсулотини сотиш жараёнида факторинг хизматидан фойдаланса, уларнинг халқаро бозорларга кириши оsonлашади. FCI бунинг учун кенг имкониятлар эшигини очади, чунки у кўпгина давлатларда ўз минтақавий бўлинишига эга. **Иккинчидан,** факторинг билан шуғулланадиган тижорат банки чет эл бозорига чиққанда молиявий ва ҳуқуқий муаммолар пайдо бўлса, FCI уларни тезда бартараф эта олади. **Учинчидан,** маъмурий ва комплекс харажатлар қисқариши пул ўтказмалари ва пул айланмалари тезлигини оширади. Энг асосийси, факторинг амалиётининг икки контурли ишлаш тизимига ўтиш имкониятини беради.

ФАКТОРИНГНИНГ ҚАЙСИ ТУРИ ҚУЛАЙ?

Тўламаслик рискин (кредит рисқи) қайси томон ўз зиммасига олишига қараб факторинг реверсив ҳуқуқи ва реверсив ҳуқуқисиз факторинг амалиётига бўлинади. Реверсив ҳуқуқисиз факторинг

“**Жаҳон таърибидан факторингнинг ЯИМдаги улуши ўртача 1,5-3 фойзга тенг бўлса, ўша давлатда факторинг ривожланиши яхши эканини билдиради. МДХ ҳудудига факторинг Латвия, Эстония, Беларусь, Украина, Қозоғистон ва Россия амалиётида кенг жорий қилинган ва факторингнинг ЯИМдаги улуши ривожланаётган давлатлардан пастроқ бўлса ҳам (0,01-2,5 фойзгача) ўсиш динамикаси яхши.**

тури харидорнинг товар маҳсулотларини молиялаштиришга йўналтирилган бўлса ҳам, факторинг компания (тижорат банки) сотувчи билан шартнома тузади. Масалан, йирик товар ва маҳсулот олди-

ва томонлар ўртасида олдиндан келишиб олинади;

— баъзи товар ва хизматлар испломда ман қилинган боис, ушбу маҳсулот ва хизматлар дебитор қарздорлигини



сотдиси билан шуғулланадиган чакана сотувчилар факторинг компаниялари билан ҳамкорлик битимларини тузади, бу орқали улар товар етказиб берувчиларни факторинг компаниялари билан шартнома тузишга ундайди. Сотувчи ва фактор ўртасида тузилган шартнома натижасида харидорда қўлай молиявий имконият пайдо бўлади. У бир қанча улгуржи сотувчилар (мол етказиб берувчи) билан ҳисоб-китоб қилмасдан, балки битта кредитор билан ишлайди.

Бу йирик хўжалик субъекти учун вақт ва харажатларни тежашга олиб келади. Кичик турдаги мол етказиб берувчилар ҳам ушбу амалиётдан ютади, чунки уларга фактор томонидан комплекс молиявий хизмат кўрсатилади. Сотувчи молини етказиб берганидан сўнг дарҳол ўз маҳсулоти учун нақд маблағ олади.

Тескари факторинг амалиёти кредиторга (факторга) ҳам, харидорга ҳам қўлай ҳисобланади. Кредитор кичик мол етказиб берувчилар билан ҳамкорлик қилади, бу эса риск даражасини камайтиради. Йирик харидорларнинг ҳам тескари факторинг амалиётдан манфаати бор. Масалан, улар ўз сотувчилари билан мақбул шартларда тўлов муддатини узайтириши мумкин.

Умуман олганда, Ўзбекистонда реверсив факторинг амалиёти тижорат банклари томонидан амалга оширилмайди. Бироқ мамлакатимизда турли шаклдаги хўжалик субъектларига қўлай молиявий шароит яратиш ўз иқтисодиётида товар айланмасини тезлаштириш мақсадида реверсив факторинг қўллаш лозим. Масалан, чакана савдо билан шуғулланадиган савдо мажмуалари (Korzinka.uz, Makro, Atlas, Carrefour, Navas) ва уларнинг мол етказиб берувчилари билан тижорат банклари айнан реверсив факторинг

тўлашдан олдин исплом факторинг мутахассиси томонидан аниқланиши керак; — ҳар қандай пул талабномасини бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялашга дисконт орқали шартнома тузиш таққиланади.

Мурабаха (савдо битими) асосидаги молиявий маҳсулот) ва факторинг ўртасида ўхшашлиги сабабли факторинг

“**Тараққиёт стратегиясида замонавий факторинг амалиётини ривожлантириш учун қўлай муҳит, зарур шароит ва имкониятлар яратиш кўзда тутилгани бежиз эмас. Бу мақсадга эришсак, фақат ўзимизга фойда — тадбиркорлар учун янги имкониятлар пайдо бўлади, товар айирбошлаш ҳажми ортади, бу иқтисодиётни юксалтиради, иқтисодий юксалиш эса халқимиз турмуши фаровон бўлишини аниқлатади.**

амалиёти шарият қонунлари бўйича мақбул хизмат тури сифатида қабул қилинмоқда. Умуман олганда, FCI дунёдаги охириги ўзгаришлари ҳисобга олиб, исплом мамлакатлари транзакциялари 2023 йилга бориб 4 триллион долларга етишини прогноз қилмоқда. Бу ўсиш асосида исплом факторинг операциялари қўламини кенгайтириши ҳам алоҳида таъқидлаб ўтиш мумкин.

ФАКТОРИНГ — КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС УЧУН

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес вақиллари деярли факторинг



амалиётдан фойдаланмайди. Бироқ дунё таърибидан маълумки, факторинг компаниялари ва тижорат банклари бу амалиётни асосан кичик ва ўрта бизнес вақилларига кўрсатиб келмоқда. Улар маҳсулотларини сотиш жараёнида бозорда рақобатбардош бўлиши, баъзилари молиявий жиҳатдан етарлича таъминланмагани ҳисобидан факторинг бозори асосий иштирокчилари ҳисобланади.

Бизда эса кичик ва ўрта бизнес вақиллари факторинг амалиётдан фойдаланмағлиги бир қанча сабаблар бор. Хусусан, кичик ва ўрта бизнес вақилларининг молиявий ҳолати банк учун хатарли экани, кўп ҳолларда тўлов қўбилияти пастлиги, тижорат банклари учун кичик ва ўрта бизнес субъектлари дебиторлик қарздорлиги суммаси ечи амалга оширилган савдо ҳажми тенденцияси эмас, балки молиявий ҳолати муҳимлиги, хўжалик субъектлари ва тадбиркорлар ўртасида факторинг операциялари етарли даражада оmmалашмагани шулар сирасига қиради.

Лекин ечимсиз муаммо бўлмади. Шу маънода бу амалиётни ривожлантиришнинг бир қатор ечимларини қўриш мумкин. Аввало, тижорат банклари факторинг ҳақида ўзининг расмий сайти ва мобиль иловаси орқали кенроқ маълумот бериши лозим. Дунё амалиётдан маълумки, факторинг тарқалишига унинг тарғибот қилинган ҳам яхши натижа берган. Хориж таърибидан келиб чиқиб, давлат томонидан кичик ва ўрта бизнес қўллаб-қувватлаш учун махсус фондлар орқали факторингни молиялаштириш амалга оширилади. Бу борада кичик ва ўрта бизнесни факторинг орқали молиялаштириш тизимини йўлга қўйиш мумкин.

ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ҚАНОТИДА

Ўзбекистон Марказий банк маълумотларига таянадиган бўлсак, тижорат банклари берган кредитлар ҳажмида муаммоли кредитлар улуши 2022 йил 1 март ҳолатига қўра, умумий банк кредитларининг 5,4 фойзини ташкил қилмоқда. Бунда энг кўп юридик шахсларга берилган муддати ўтган кредитларни қайтариш муаммоси бўлиб келмоқда.

Бу рақамлардан ҳам билса бўладики, юридик шахсларнинг тўлов интизоми яхши эмас. Агар факторинг амалиётини амалга оширишда бошланғич тўлов еки гаров талаб қилинмаслигини ҳисобга олсак, ушбу муаммо янада мураккаблашади. Мисол учун, хўжалик субъекти факторинг амалиётини амалга ошириш учун тижорат банкига мурожаат қилди ва банк унга дебиторлик қарздорлигини дисконт асосида молиялаштирди, лекин харидор дебиторлик қарзни банкка ўз

муаммолардан бири — тўлов интизоми яхши эмаслиги ҳақида айтгандаки. Бунинг ҳам аниқ чоралари қўрилмоқда. Хусусан, иқтисодиётни либерализациялаш жараёни — валюта айирбошлаши эркинлаштириш, хўжалик субъектлари солиқ юкани камайтириш, коррупцияга қарши чора-тадбирлар тўлов интизомини яхшилашга хизмат қилади.

Демак, **Тараққиёт стратегиясида замонавий факторинг амалиётини ривожлантириш учун қўлай муҳит, зарур шароит ва имкониятлар яратиш кўзда тутилгани бежиз эмас.** Бу мақсадга эришсак, фақат ўзимизга фойда — тадбиркорлар учун янги имкониятлар пайдо бўлади, товар айирбошлаш ҳажми ортади, бу иқтисодиётни юксалтиради, иқтисодий юксалиш эса халқимиз турмуши фаровон бўлишини аниқлатади.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



АЖДОДЛАРИМИЗ ҲАЁТИ ИНСОН ВА ТИНЧЛИКНИНГ ҚАДРИНИ АНГЛАШГА УНДАЙДИ



Наим ОБЛОМУРДОВ, Тошкент молия институтининг кафедра мудирин, тарих фанлари доктори, профессор

Тарих воқеаларидан ибрат олиб яшаш ҳаётдан хулоса чиқаришга, дорилмон кунлар қадрига етишга чорлайди. Шу маънода, Ватан озодлиги, порлоқ келажак учун ўз жонини хатарга қўйиб, ҳалок бўлган юртошларимиз хотираси абадий.

Халқимиз инсоний фазилатлар тимсолига айланди

Жаҳондаги 61 мамлакатни, ер шарини аҳолисининг 80 фоизини, яъни 1,7 миллиард кишини ўз домига олган Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан кўплас республикалар қатори Ўзбекистон ҳам уруш гирдобига тортилди. Дастлабки кунларданок Ўзбекистоннинг моддий ва маънавий кучларини урушга сафарбар этишга киришилди. Минглаб ватандошимиз қўлига курол олиб, фронтга жўнаб кетди.

Уруш Ўзбекистон халқи бошига оғир синов ва машаққатларни солди. Шунга қарамай, ўша шароитда аждодларимизнинг инсонийлик, олижаноблик, меҳмондўстлик каби фазилатлари мамлакатнинг гарбий вилоятларидан кўчириб келтирилган аҳолига, болаларга кўрсатган ҳамдардлиги ва гамжўрлигида ўз ифодасини топди. 1942 йил баҳоригача Ўзбекистон бўйлаб 716 минг киши қабул қилиб олинди, улар ишга жойлаштирилди, яшаш шароити яратилди.

Ўзбек халқи урушнинг дастлабки йилларида Россия, Украина, Беларусь, Молдова, Болтиқбўйи республикаларидан кўчириб келтирилган 200 мингдан ортиқ етим болани ўз бағрига олди. Бу даврда Ўзбекистон ҳақиқий инсонпарвар ўлкага айланган эди.

Урушнинг илк кунлариданок Ўзбекистонда ҳам озиқ-овқат ва саннат моллари камайиб кетди. Аҳоли яшаш шароити кескин ёмонлашди. Шаҳар аҳолисини озиқ-овқат билан таъминлаш талон бўйича амалга оширила бошланди. Ишчи ва хизматчилар кунига 400-500 грамм паст навли нон олар, қарамогидегиларнинг улуши эса юқоридаги миқдордан 1,5 баробар кам эди. Аҳолига озиқ-овқат маҳсулотларини сотишда ҳам меъёролашган тақсимот жорий қилинди.

Президентимизнинг 2018 йил 17 апрелдаги "Хотира ва қадрлаш кунига тайёрларлик қўриши ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги қароридан таъкидланганидек, уруш бошланиши билан фронт худудларидан Ўзбекистонга кўчирилган 1 миллионга яқин оила ва болани қабул қилиб, охириг бурда нонини улар билан баҳам кўрган, "сен ети эмассан" деб ўз бағрига олгани халқимизнинг нақадар олижаноблигини, меҳр-муруватини, юксак маънавиятини яққол намоён этди.

Ўзбек халқи уларни беғараз қутиб олди, яшаш учун уй-жой, озиқ-овқат билан ёрдам берди. Маҳаллий ҳокимият уларга ҳосилдор ерлардан томорқа, уй қуриши ва ҳўжалик юритиш учун керакли кўмак ажратди. Қўчириб келтирилганлар анча машаққатлар билан янги жойларга аста-секин мослашиб борди.

Уруш йилларида Ўзбекистон аҳолисининг турмуш даражаси кескин пасайиб кетгани, ҳўжалик ҳарбий изда ишлаётганига қарамай, қардош халқларга кўрсатган эрдими ўзбек халқининг буюк инсоний фазилатларга содиқ экани далилидир.

Уруш бутун инсониятга қимматга тушди, 50 миллиондан ортиқроқ киши ҳалок бўлди, 90 миллиондан ортиқ одам ярадор ва майиб бўлиб қолди, моддий талафотлар қиймати 4 триллион доллардан ошди кетди. Бироқ урушнинг асосий юки собиқ иттифоқ халқлари зиммасига тушди. 27 миллионга яқин киши уруш алангасида ҳалок бўлди, яна миллион-миллион жангчи ногирон бўлиб қолди.

Бу машъум уруш тўғрисида энг камда 400 минг оила бевосита айрилиқ азобида дучор бўлган. Минглаб ватандошимиз меҳнат фронтини да захмат чеқди, ўзи емасдан, киймасдан, топган насибасини фронтга жўнатди.

Хотира ва қадрлаш — муқаддас тушунча

Президентимиз 2017 йил Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан ўтказилган учрашувда: "Бундай мисоллар буюк ғалаба биз учун нақадар қимматга тушгани, халқимиз дунёни фашизм балосидан ҳалос этишга қандай катта ҳисса қўшганини яққол кўрсатади. Тарихнинг ана шундай бешафқат ва суронли синовларидан ёруғ юз билан ҳар томонлама муносиб ўтган халқимизга ҳар қанча таъзим қилсак, ҳар қанча тасаннолар айтсак, эрайди, албатта", деб таъкидлайди.

Иккинчи жаҳон уруши ёшларга тинчликнинг қадрини янада чуқурроқ англаб етишига ёрдам беради ҳамда уруш фахрийлари ҳурматини жойига қўйишимиз, иззат-иқром этишимиз лозимлигини англатади. Бу мақсад йўлида Ўзбекистонда уруш фахрийларига, уларнинг оилаларига ёрдам берилмоқда, имтиёзлар яратилмоқда. Чунки ҳар бир сўзи пурмаъно, бошидан ҳаётнинг турли синовлари ўтган, ҳаётда қайси йўл тўғри эканини ёшларга тушунтириб, ибрат ўргатувчи фахрийларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш — халқимизнинг эзгу анъаналаридан бири.

Тарихий хотира, аввало, ҳаёт мазмунини, авлодлар ўртасидаги ворислик туйғусини англаш, узоқ-яқин ўтмиш воқеа-ҳодисаларидан бутунги ва эртанги кун учун зарур сабоқ ва хулосалар чиқариб яшашга ундайди. Ўз фарзандлари ва авлодларига, уларнинг онгу шуурига аждодлар руҳига ҳурмат ва эҳтиром туйғуси билан яшашни синдириш демакдир.

Президентимиз 2020 йил 9 май кунини Ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида: "Буюк ғалабага ҳисса қўшган ватандошларимиз ҳаёти, жасорат ва матонатини янада чуқурроқ ўрганишимиз, бу ҳақда янги илмий тадқиқотлар, бадий асарлар, кинофильм ва спектакллар яратишимиз керак. Ёшларимиз кимларнинг жасорати тўғрисида қарийб 75 йил мобайнида уруш балосини кўрмасдан, тинч ва бахтли замонда яшаётганимизни билиши ва бунинг қадрига етиши зарур", дея таъкидлади.

Тадбирда Президентимиз Ўзбекистон халқининг урушдаги иштироки тўғрисида янги маълумотларни ошкор қилди. Архив маълумотларининг очирилиши ва бошқа давлатлар билан ҳамкорлик Ўзбекистон халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки тўғрисидаги маълумотларни янада аниқлаштириш имконини берди. Президентнинг маълум қилишича, фронтга қарийб 2 миллион ўзбекистонлик сафарбар қилинган, 538 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган, 158 мингдан зиёди бедарак йўқолган.

— Мен аввалги чиқишларимда эл-юртимизнинг буюк ғалабага қўшган ҳиссаси ҳали тўлиқ ўрганилмагани ҳақида гапириб, жамоатчилигимиз эътиборини шу масалага қаратган эдим. Бугун манмуният билан айтмоқчиманки, кейинги йилларда ушбу йўналишда жуда катта ишларни амалга оширдик, — деди давлатимиз раҳбари.

Сўнги йилларда мамлакатимизда илгари ёпиқ бўлган архив ҳўжатларини, илмий жамоатчилик учун номаълум материалларни ўрганиш учун имконият яратилди. Бу борада собиқ иттифоқ республикалари ва чет эллардаги архив ташкилотлари, музейлар ва фондлар, тарихчи олимлар ва мутахассислар, кенг жамоатчилик билан ҳамкорлик кўчатирилди. Ана шундай илмий излашлар натижасида халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, қаҳрамон аждодларимиз ҳақида жуда муҳим янги маълумотларга эга бўлдик.

Ўзбекистон халқи Иккинчи жаҳон урушида ғалабани таъминлашга улкан ҳисса қўшган. Лекин пойтахтимизда бу жасоратни бор кўлами билан кўрсатиб берадиган яхлит мажмуа йўқ эди. Президентимиз улкан бoғ барпо этиб, халқимиз қаҳрамонлигини абадийлаштириш ташаббусини илгари сурди. Шундан сўнг илмий-иходий жамоатчилик тақлифлари асосида бадий-меморий концепция ишлаб чиқилди. Давлат раҳбари бу борадаги лойиҳалар билан бир неча бор танишди. Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида 12 гектардан зиёд жой ажратибли, улкан қурилиш-ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ғалаба боғи ҳар бири алоҳида мавзуга эга бўлган икки қисмдан иборат. Биринчисида ўзбекистонликларнинг жанглардаги иштирокидан лавҳалар, иккинчисида фронт ортидаги республикамиз ҳаёти акс этган.

"Матонат мадҳияси" ёдгорлик мажмуаси. Бу ёдгорлик қандайдир бадий образ эмас, унга ҳаётда бўлган воқеа — мўътабар она ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган, айниқса, эътиборлидир.

Хотира ва қадрлаш тушунчаси мазмун-моҳиятида халқимизга хос эзгу фазилатлар мужассам. Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган ва бутунги дорилмон кунларимизнинг заминини яратган юртошларимизни қадрлаш, айниқса, ўсиб келаётган ёшлар қалби ва онгиди уларга нисбатан юксак ҳурмат туйғусини кўчатириш бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга. Шундай экан, юрт мустақиллиги, халқ озодлиги учун курашган ватандошларимиз руҳини ёд этиш, бахтимизга сафимизда омон юрган нурувий отахон ва она-хонларимизни қадрлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

МАРД ЎГЛОНЛАР ЁДИ БАРҲАЁТ

ҚИСМАТИ ТИРИКЛИК БИЛАН ҚИЁС

ёхуд азий жонини ватанига, халқига бағишлаган Ҳусниддин Суяров ҳақида хотиралар

Сирдарёлик Миллий гвардия сержанти, марҳум Ҳусниддин Суяров болалигиданоқ мард, эртақлардаги каби жасур паҳлавон бўлиб улгайишни, барчага яхшилиқ улашиш сингари эзгу хислатларни онаси айтиб берган эртақлар ва отаси ўргатган ҳикматли ўғитлар орқали ўз қалбига синдириб борган бўлса, не ажаб. У ўзининг қисқа ҳаёти давомида жасорат, садоқат каби инсоний фазилатларини келажак авлодга ўчмас маънавий мерос сифатида қолдириб, бу фойин дунёни тарк этганида атиги 31 ёшда эди.

Аяжон, дадам келмаяптику?

Бугун Ҳусниддиннинг жажжи қизалоқлари — 6 ёшли Шаҳризода ва 2 ёшли Шукрона онасининг бағрида яйраб, беғубор қувнаб, катта бўляпти. Улар дадасининг вафотини ҳали тўлиқ англаб етмайди. Фақат Шаҳризода эсини тангани учунми, "аяжон, дадам қачон келади, шунча вақт кутдим, ҳалиям келмаяпти-ку...?" деган юрқани зирқиратадиган саволни кўпроқ беряпти экан.

Ҳусниддиннинг аёли — Нозиманинг ўйчан нигоҳларига бoқар эканман, унинг ҳар бир сўзидаги соғинч, ўкинч ва ўртанишларни бутун борлигим билан ҳис қилдим.

Ҳусниддин оиласи билан Гулистондаги ҳарбийлар шаҳарчасидаги кўп қаватли янги уйда атиги 3 ойгина яшаган. Эрининг ҳарбий формаси ҳалиям шақфада, даямолланган, худди ҳозир кийиб, ишга чиқиб кетадигандек эгасига мунтазир... Аслида 2020 йилнинг январь ойи уларнинг кичкинагина оиласига энг қувончли кунларни ҳада этган. Икки бахтиёр ёшнинг орзулари чекисиз бўлган. Шундай шодмон кунлар арафасида иккинчи қизалоғи дунёга келганди.

Ҳусниддин фарзандига ота-онасининг руҳсати билан Шукрона, дея исм қўяди. Лекин афуски, Шукронани тўйиб-тўйиб бағрига боса олмади, фарзандининг ҳидига тўймади. У бу дунёни тарк этганида қизи эндигина 40 кунлик чақалоқ эди...

— Турмуш ўртоғим оилапарвар, мард инсон эди. Узидан ёруғ, нури из ва шундай шириндан-шакар қизларимни туҳфа қилиб кетди, — дейди Нозима. — Тақдир экан, биргаликда атиги 5 йил яшадик. Лекин ана шу қисқа давр менга бир умрга қолодиган гўзал хотираларни берди. Турмуш ўртоғим мен учун тирик, хамиша ҳаёлимда мен билан бирга яшайди, яшай-вереди.



турган дарахтни сув бир неча дақиқа ичида кўмиб қўйди. Шундан кейин улар уйнинг томига чиқди. Сув бирдан кўтарилиб, йиғитларимизни оқизиб кетди. Улар, бир кўриниб, бир кўринмай, кўздан ғойиб бўлди.

Афуски, Ҳусниддин Суяров ва Ҳазрат Суяновни ўша кунини йўқотдик. Ҳусниддиннинг жасади орадан уч кун ўтиб, ўзи ёрдамга борган Учтом кишлоғидан 5 километр узоқликдаги пахта даласидан топилди...

Учтом кишлоғида Ҳусниддин ва Ҳазратнинг ёрқин хотираси учун ёдгорлик ўрнатилган.

Ҳеч ким болам деб йиғламасин...

— Ҳарбий форма кийган йиғитларни кўрганимда, "қанийди менинг ўғилларим ҳам ҳарбий бўлса", дея ҳавас қилардим, — дейди Ҳ.Суяровнинг онаси Зулфия Суярова. — Кўнглимдаги ҳавас рўёбга айланиб, ўғлим ҳарбий бўлди. "Болажоним, тўғриси айт, онамнинг орзусини юзага чиқарай, деб ҳарбий бўлдинг-а", деб сўрасам, "эҳ, онажоним, ўзим хоҳладим, касбим ўзимга ёқади, она-Ватанини кўриқлаш, унга хизмат қилиш шараф, дердингизку, хали кўнлар келиб, сиз мен билан фахрланиб юрасиз", дея қуларди.

Ҳусниддиннинг киндик қони тўкилган юрти шаънини, қасамёд қилиб кийган ҳарбий кийими ҳурматини ўз жонидан азиз кўрди. Энг қийин, қутилмаган вазиятда кўрқмасдан одамларни ўлим чангалидан ҳаётга қайтарар олди. Бир неча оила бахтини, бағрини бутун қилиш учун ёш жонини қурбон қилишдан чўчимади. Ҳа, менинг шундай, халқи учун ўзини бахшида қила олган ботир ўғлим бор...

У мен учун тирик. Миллий гвардия ходимлари "Онажон, биз ҳам сизнинг ўғлинимиз", дея ярим кўнглимни кўтариб, байрамларда ҳол сўраб, хабар олиб турибди. Улар ўғлимнинг вафотидан сўнг яна уч фарзандимни ўз сафига қабул қилди. Уғилларим шу тизимда ишлаб, олий таълим муассасаларига ўқишга кириб, ҳарбий соҳадаги билимларини янада мустаҳкамлашга бел боғлади. Уларни Аллоҳнинг панохига топширганман. Ҳусниддиннинг бағран оқ сутимга мингдан минг розиман...

Сардобанинг сўнгисиз ситамлари

2020 йил 1 май. Эрта тонгда Миллий гвардия Сирдарё вилояти бошқармасининг офат жойига зудлик билан етиб борган дастлабки гуруҳи таркибиди сержант Ҳусниддин Суяров ҳам бор эди. У Оқолтин, Сардоба ва Мирзобод туманларидаги фалокат оқибатларини бартароф этишда, ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, аҳолини хавфсиз жойларга эвакуация қилишда фаол иштирок этди. Сув омбори тошқинининг илк манзилида одамларни фалокатдан ҳалос қилгач, навбатдаги кутқарув-қидирув ҳаракатида ўзи ҳам кучли сув зарбасига учради. Сув тошқини кучайиб, пурта оқими уни ўз домига тортиб кетди...

НАДОМАТЛАР БЎЛСИНКИ, КАСБДОШЛАРИМИЗ СУВДА ҚОЛИБ КЕТДИ. ОҚАЁТГАН САФДОШЛАРИМИЗНИНГ ОЛДИГА БОРИШГА ХЕЧ ҲАМ ИМКОН БЎЛМАДИ... УЧ ЙИГИТИМИЗ ДАРАХТГА ОСИЛИБ ТУРГАНДИ. ТЕПАСИДАН 1,5-2 МЕТРЛИК ҚИСМИ КЎРИНИБ ТУРГАН ДАРАХТИНИ СУВ БИР НЕЧА ДАҚИҚА ИЧИДА КЎМИБ ҚЎЙДИ. ШУНДАН КЕЙИН УЛАР УЙНИНГ ТОМИГА ЧИҚДИ. СУВ БИРДАН КЎТАРИЛИБ, ЙИГИТЛАРИМИЗНИ ОҚИЗИБ КЕТДИ. УЛАР, БИР КЎРИНИБ, БИР КЎРИНМАЙ, КЎЗДАН ҒОЙИБ БЎЛДИ.

Ҳусниддин Суяров Президентимизнинг фармонига мувофиқ, "Жасорат" медали ва Миллий гвардия кўмондонининг I даражали "Намунали хизматлари учун" кўкрак нишонини билан тақдирланди. Боёвут тумани Анорзор маҳалласидаги кўчалардан бирига унинг номи берилди.

Ҳеч ҳам имкони бўлмади...

Миллий гвардия подполковниги Матҳиддин Раҳимов 2020 йилнинг ўша машъум май воқеаларини изтироб билан шундай эслайди:

— Сардоба сув омборининг тўғони ёрилгани ҳақидаги хабар ҳарбий қисмга соат 6:00 ларда келиб тушди. Гвардиячиларимиз Учтом кишлоғига сафарбар қилинди. Бизнинг вази-фамиз аҳолини хонадонлардан чиқариш, ичкариси бирор жон қолишига йўл қўймаслик эди. Бу вақтда одамлар жуда саросимада эди. На уйдан чиқини, на қолишни билмасди. Уларга бирма-бир тушунтириб, техникаларга жойлаб, эвакуация қилдик.

Ҳамкасбаримиз кессалар ва ногиронларни кўтариб машиналарга чиқариб қўйди. Уч йиғитимиз Санжар, Ҳусниддин ва Ҳазрат хонадонлардаги ҳамма одамларни олиб чиқди. Аҳоли кишлоқдан чиқарилгач, чамаси бир соатлардан кейин сув бирдан кўтарилиб, бўй баробар бўлиб қолди.

Надоматлар бўлсинки, касбдошларимиз сувда қолиб кетди. Оқаётган сафдошларимизнинг олдига боришга ҳеч ҳам имкон бўлмади... Уч йиғитимиз дарахтга осилиб турганди. Тепасидан 1,5-2 метрик қисми кўриниб



Бирлашиб, биргалашиб...

Ҳусниддиннинг укаси Адҳамнинг ҳижоқиси ҳам изтиробли бўлди.

— Қади-баси келишган акамнинг ҳарбий либосига ҳавас билан қарардим. Ҳаёлимда қани эди, мен ҳам акам сингари ҳарбий бўлсам, деб орзу қилардим, — дейди Адҳам. — Уйларимни кўз қарашларимдан сезган акам, "Укажон, Худо хоҳласа, биз — тўрт ака-ука бир тану бир жон бўлиб, бирлашиб, отанамизнинг орзуларини рўёбга чиқарамиз. Эл-юртга садоқат билан хизмат қилиб, ортимиздан фақат яхши ном қолдирармиз", дерди. Яна бир гапни кўп такрорларди: "Илтимос, ота-онамга яхшилаб қара. Ҳали биргалашиб тоғни талқон қиламиз, бой-бадавлат, энг бахтиёр оғани бўлиб яшай-миз. Болаларимизни эл ҳавас қиладиган фарзандлар қилиб тарбиялаймиз. Отанамизни муборак Ҳаж зиёратига юборамиз..."

Инсонларнинг ўз қяқинини йўқотиш залвори жуда оғир. Бундай дамларда барчамиз ҳамжихат бўлиш кераклигини, қаҳрамонларимиз номини мудом эслаб турмоғимиз инсоний фарз эканини янада чуқур англагандек бўлдим.

Аслида бу омонат дунёда инсон ҳаёти қанча йил яшагани, тўплаган бойлиги, дангилла-ми иморатларини қандай лавозимларда ишлагани билан ўлчанмайди. Инсон қанча эмас, қандай умр кўргани, яъни унинг мазмуни билан қадрланади. Элу юрт фаровонлиги йўлида ҳалол хизмат қилган, ўз жонини халқ тинчлиги, бахти учун фидо қилган мард инсонлар ҳаёти ибрат китобининг ўчмас саҳифалари бўлиб қолади.

Гуличеҳра ДУРДИЕВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири



ТУРИЗМ

“Бойсун Баҳори”дан СУРХОН СИРЛАРИГА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги жорий йил 26 апрель куни туризм хизматлари кўламини кенгайтириш ва инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилишида сайёҳлик имкониятлари муҳокама этилиб, соҳани ривожлантиришга доир қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Жаҳон эътиборини тортган “Бойсун баҳори”

Сайёҳларни жалб этиш ва саёҳатларни мазмунли ўтказишда маданий тадбирлар ҳам муҳим ўрин тутди. Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу жиҳатга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Юртимизда 186 хил халқаро ва маҳаллий фестиваллар ташкил этилиши, улар орқали қўшимча 1 миллион хорижлик ва 5 миллион маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш имконияти борлиги таъкидланди.

“Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали ана шу мақсадга хизмат қилувчи муҳим тадбирлардан бири бўлди, десак айна ҳақиқат. Негаки, Маданият ҳамда Туризм ва маданий мерос вазирликлари, ЮНЕСКО, Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур фестивал қадимий қадрият ва аъёнларни, урф-одатларни намойиш этиш майдони бўлиш баробарида, бой сайёҳлик салоҳияти тарбиясига ҳам хизмат қилди. Унда республикамизнинг 14 та, хориж давлатларининг 5 та фольклор жамоаси иштирок этди. Икки кун давомидида турли спорт ўйинлари, миллий ашула ва рақслар, сайиллар ташкил этилди.

— Ўзбекистонга саёҳатимиз мобайнида “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивалига келганимиздан жуда мамнунмиз, — дейди французиялик меҳмон Анна Мария. — Бу ерда қадим тарих, бой маданият ва қадриятлар мужассамлиги гувойи бўлди. Турли томоша ва ўйинлар, мусобақалар, кўргазмалар катта завқ бағишлади. Халқлар ҳақида тушунчани янада бойиди. Бойсун фестивали ана шу жиҳатлари билан ҳам ниҳоятда аҳамиятли.

Бойсуннинг Паданг қишлоғи, тоғ бағрида ўрнатилган юздан ортиқ ўтовларнинг миллий қадриятларимизга мос безатилгани, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган хунармандлар махсуслотлари, миллий таомлар кўргазмаси барчада катта қизиқиш уяғотди. Миллий спорт мусобақалари, бахши-оқинлар танлови сингари тадбирлар ўтказилиб, ғолиблар муносиб рағбатланрилди.

Ўзбекининг тую томошаси курашсиз ўтмайди. “Бойсун баҳори” фестивали ҳам бундан мустасно бўлмади. Беллашувларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган дондор полковлар ўзаро куч синашди.

Тўқсон килограммдан ортиқ вазн тоифасидаги якуний баҳсларда ғолиб бўлган шерободлик Мухаммадқарим Хуррамов ана шундай алпелбат йигитлардан. У 20 миллион сўм пул мукофотини қўлга киритди. Бошқа вазн тоифасида ғолиблар ҳам муносиб рағбатланрилди.

Фольклор йўналишида эса биринчи ўринни Сурхондарё вилоятининг “Бойсун” фольклор-этнографик халқ ансамбли эгаллади. Иккинчи ўрин Хоразм

вилоятининг “Жўралар”, Тожикистон Республикасининг “Бибиҳо” фольклор ансамблларига nasib этди. Учинчи ўринни Қорақалпоғистон Республикасининг “Оқ маҳит”, Қирғизистон Республикасининг “Иброт”, Навоий вилоятининг “Навоий” фольклор ансамбллари қўлга киритган бўлса, халқ ўйинлари ва томоша санъати йўналишида биринчи ўрин Жиззах вилояти, иккинчи ўрин Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари, учинчи ўрин Андижон, Фарғона, Навоий вилоятлари жамоаларига nasib этди. Шунингдек, номинациялар ғолиблари ҳам тақдирланди. Ғолиб ва совриндорларга махсус диплом, фестивал рамизи туширилган эсдалик соғавлар, пул мукофотлари топирилди.

Қайд этиш кераки, сўнги йилларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан илдизи узоқ ўтмишга бориб тақалувчи бой номодий маданий меросимизни янада чуқур ўрганиб, илмий негизларини ёшларимизга ўргатишга, уларни асл ҳолида сақлаб, келгуси авлодларга беэволат етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда номодий маданий меросимизга бўлган муносабат қўллаб-қувватланиб, ЮНЕСКО томонидан 2008 йили Бойсун тумани, 2021 йилда бахшичилик санъатимиз Инсоният номодий маданий

Дарҳақиқат, инсониятнинг энг қадимги манзилгоҳларидан бири бўлган Бойсунда азалдан адабиёт, санъат, халқ оғзаки ижоди, хунармандлик кенг ривожланган. Халқимизнинг бой маънавий дурдонаси — “Алпомиш” достони ҳам ана шу ўткир заковат эгалари мулки, десак муволафа эмас.

Бойсун географик жиҳатдан шимоли-шарқий томондан жануби-ғарбга қараб чўзилган адир ва осмонлар тоғларга мансуб рельеф ҳамда қуйи тоғ текислигидаги сўлим гўша. Бойсуликлар қадимдан деҳқончилик, чорвачилик, кулолчилик, темирчилик, дурадгорлик, қандолатчилик, қосибчилик, ипакчилик каби ноёб касблар билан шуғулланиб, бугун бу аъёнлар юксак қадрият даражасига кўтарилган. Мато, гилам тўқиш, каштанчилик, дүпидүзлик, чанқовуз, дум-бира, сибзига, гажирнай яшаш каби халқ амалий санъати қайта тикланиб, ривожланмоқда. Шунинг учун Бойсуликнинг аънавий ҳаёт тарзи, маданияти бошқа ҳудудлардан фарқ қилади.

“Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивалига 2002 йил асос солиниб, илк мартаба очик фольклор фестивали ўтказилган. Унда мамлакатимиздаги фольклор жамоалари ўзларининг алоҳида дастурлари билан иштирок этган. 2004 йилда тўхтаб қолган очик осмон остидаги



“**ИНСОНИЯТНИНГ ЭНГ ҚАДИМГИ
МАНЗИЛГОҲЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН БОЙСУНДА
АЗАЛДАН АДАБИЁТ, САНЪАТ, ХАЛҚ ОҒЗАКИ
ИЖОДИ, ХУНАРМАНДЛИК КЕНГ РИВОЖЛАНГАН.
ХАЛҚИМИЗНИНГ БОЙ МАЪНАВИЙ ДУРДОНАСИ
— “АЛПОМИШ” ДОСТОНИ ҲАМ АНА ШУ ЎТКИР
ЗАКОВАТ ЭГАЛАРИ МУЛКИ, ДЕСАК МУВОЛАФА ЭМАС.**

мероси репрезентатив рўйхатига киритилди. Яна бир жиҳат, фестивалда Туризм ва маданий мерос вазирлиги томонидан Бойсун “Туризм тумани” деб эълон қилинди.

— Бойсун чиндан ҳам узоқ ўтмишга дахлдор тарихи, ўзига хос маданияти, жўшун санъати, осмонлар тоғларига табиатнинг бетакор гузаллиги, шифобахш зилол сувлари билан алоҳида ажрალი туради, — дейди туман ҳокими Аскаралӣ Жўраев. — Қадимий бу заминда Тешиктош камари, Амир Темур, Маҷай ғорлари, 65 миллион йил аввалги динозаврлар излари, ўз замонда муҳим истеҳком, стратегик иншоот вазифасини ўтаган Узундара, Қўрғонзал, Туманқўрғон сингари археологик ёдгорликлар мавжуд. Шунингдек, бу макон бир асрлик тарихга эга Сайрор чинорлари, Омонхона шифобахш суви, Тангисар қизил канъонлари, турли дардларга шифо бўладиган довор гўхлари билан ҳам машҳур. Сайёрамиздаги энг чуқур ғорлардан бири — Бойсуннинг тизмасида жойлашган Қора юлдуз ғорининг узунлиги 2 минг 651 километрдан зиёд.

нафис санъат байрами орадан 13 йил ўтиб, 2017 йил қайта тикланди. Жорий йилда эса, унга халқаро мақом берилиб, ҳар йили эмас, икки йилда бир марта ўтказилиши белгилаб олинди. Натияжада “Бойсун баҳори” дунё халқларини қадимий гўшада ягона эзгу мақсад йўлида бирлаштирадиган сўлим баҳор байрамига айланади.

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!”

Мамлакатимизда сайёҳларга яратиб берилган қўлайлик ва шарт-шароитлар, умуман, мазкур йўналишдаги ишларни янада кенгайтириш мақсадидаги ишлар хусусида фикр юритганда, бунинг учун замин бўлаётган ҳуқуқий асосларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки бундай ҳужжатлар бир қанча. Шундан бири — “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори жорий йил 30 апрель санасида қабул қилинди. Сал аввал

“**БУТУНЖАҲОН САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТИ (UNWTO)
ТАҲЛИЛИГА ҚАРАГАНДА, ЎТГАН ЙИЛИ ЖАҲОН
ТУРИЗМИДА 415 МИЛЛИОН ХАЛҚАРО САЁҲАТЛАР ҚАЙД
ЭТИЛГАН. ЎСИШ 2020 ЙИЛГА НИСБАТАН 4 ФОИЗНИ
ТАШКИЛ ҚИЛГАН. ЛЕКИН ЎТГАН ЙИЛНИНГ УЧИНЧИ
ВА ТЎРТИНЧИ ЧОРАГИДА ХАЛҚАРО САЁҲАТЛАР
(КЕЛИШЛАР) 2019 ЙИЛГА ҚАРАГАНДА 62 ФОИЗГА
КАМЛИГИЧА ҚОЛГАН. БУ КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ
БИЛАН БОҒЛИҚ ҲОЛАТ, АЛБАТТА.**



видеоселектор йиғилишида айтилган фикрлар айна шу қарорда ўз аксини топди. Иқтисодиётимизда туризмни стратегик даражага кўтариш, ички туризм хизматларини диверсификация қилиш ва ҳажмини кескин кўпайтириш, одамларни мамлакатимизнинг туризм салоҳияти билан янада яқинроқ таништириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, туризм хизматлари сифатини яхшилаш, соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларига қўшимча имкониятлар яратиш, замонавий хизматлар инфратузилмасини янада ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашни мақсад қилган мазкур ҳужжатда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасида қилина-жақ ишлар аниқ кўрсатиб берилди.

— Ўтган йили вилоятимизга дунёнинг 106 давлатидан қарий 92 минг хорижлик, 762 мингдан зиёд маҳаллий сайёҳ таърифи кузатилди. Бошқача айтганда, аввалги йилга нисбатан хорижлик сайёҳлар сони 3, маҳаллий сайёҳлар сони 3,5 баробарга ошди.

Вилоятда бугунги кунда 2194 ўринли 49 та меҳмонхона, 1218 ўринли 141 та оилавий меҳмон уйи, 217 ўринли 9 та хостел фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, сайёҳлар учун шаҳар ташқарида 5 та янги йўналиш ташкил этилди. Жумладан, Сарюсиё туманидаги “Тупалан” сув омбори ҳудудда экотуристлик марказ ташкил этилиб, ноёб турдаги “форель” балиғи этиштириш йўлига қўйилди, Бойсун туманида “Хўжа Кўчор ота” зиёратгоҳи ва унинг яқинида жойлашган анатомал худудларда экотуристлик ҳудуд ташкил этилди. Термиз туманидаги “Учкизил” сув омбори атрофида “Уни-версал арғалид” МЧЖ томонидан барпо этилган “OXUS” дам олиш маскани фаолияти кенгайтирилди. Хусусан, “Термиз агро фиш экспорт” агрофирмасига қарашли замонавий балиқчилик масканида 5 гектар майдонда балиқчилик қўллари барпо этилиб, овлашга қўлай муҳит яратилиб, ҳудудда қадимий ўтов уйлар қурилиб, миллий услубда жиҳозланди. Денов тумани “Сина” қишлоғида жойлашган “Сумбула мазор” диққатга сазовор масканда экотуристлик янада ривожлантириш мақсадида сайёҳлик йўналиши ташкил этилди.

Вилоятда жорий йилда ҳам ушбу йўналишда бир қатор лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган. Бунинг натижасида Сурхондарёга ташриф

бююрадиган хорижлик сайёҳлар сони 100 мингта, маҳаллий сайёҳлар сони 1 миллионга, сайёҳлик хизматлари экспорт ҳажми 40 миллион АҚШ долларига етказилди.

Вилоятда археологик, эко, агро, зиёрат, тиббиёт, гастрономик, экстремал, этно туризм йўналишларини ривожлантириш имконияти мавжуд. Шу боис, сайёҳларни кенг жалб қилиш учун шароит яратиш мақсадида Сарюсиё туманида “Сангардак” туризм маҳалласи, Шеробод туманида “Чорбоғ”, Олтинсой туманида “Хўжапоп” ва Бойсун туманида “Омонхона” ҳамда “Сайрор” туризм қишлоқлари ташкил этилди.

Шунингдек, Термиз шаҳрида ҳам бир қатор ўзгаришлар амалга оширилади. Хусусан, Сайлгоҳ кўчасида “Туризм кўчаси” ташкил этилади, Бахт кўчаси “Гастрономик кўча”га ўзгариштирилади. Термиз шаҳрининг сайёҳлар серкатини марказий кўчаларида 50 дан ортиқ “Соффее шоп”лар, 20 га яқин “Караоке клуб”лар ташкил этилади ва “Ёшлар туризм боғи” яратилади. Умумий ҳисобда 7000 дан зиёд янги иш ўрни яратилиб, аҳолига бўш вақтини мароқли ўтказиши ҳамда Термиз шаҳрида маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар сони 3 баробарга кўпайишига эришилади.

Шу билан бирга, “Қушлонлар давлати тарихи” музейини барпо этиш, археологик ва зиёрат туризми объектларини сақлаб қолиш, Бойсун туманидаги Хўжамайхона дарасида “Геологик парк” ташкил этиш, тиббиёт туризмига қўшни давлатлар фуқароларини жалб этиш чора-тадбирлари кўрилади.

Яна бир эътиборга молик жиҳат, 2022 йил Сурхондарё вилоятда бир қатор маданий ва халқаро тадбирлар ташкил этилади. Шундан бири — “Бойсун баҳори” халқаро фольклор фестивали муносиб тарзда ўтказилди. Энди бошқа тадбирлар — япон олимпи Като Кюдзонинг 100 йиллик юбилейини кенг нишонлашга, “Анор сайли” ва “Узум сайли” фестивалларига тайёргарлик қилилмоқда. Чунки мазкур тадбирларга 20 мингдан ортиқ сайёҳ келиши кўтилмоқда. Буларнинг бари давлатимиз раҳбарининг “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан назарда тутилган “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастурида белгиланганидек, мамлакатимизда сайёҳлар оқими орттиришга, одамлар мазмунли хордиқ олишига катта шароит яратилади, албатта.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
Азимбек САМАДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари**



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Таҳририятга келган қўлэмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер мақолада саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашир индекси — 236. Буюртма — 1415.

86602 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмаҳона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусаҳҳи: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй